

МАЪРУЗАЛАР БЎЙИЧА ТАРҚАТМА МАТЕРИАЛ

“Маъмурий жавобгарлик”

Маъруза мавзуси: Мулкка тажовуз қилувчи ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик

Маърузачи: Р.С.Алтиев

1. МАЪРУЗАНИНГ НАТИЖАЛАРИ:

Маърузанинг асосий мақсади:

Маърузада “Маъмурий жавобгарлик” модулининг 10-мавзусини ёритишга мўлжалланган режадаги “Табиий ресурсларга эгалик ҳуқуқини бузиш. Оз миқдорда талон-торож қилиш. Нодавлат тижорат ташкилотининг ёки бошқа нодавлат ташкилотининг хизматчисини пора эвазига оғдириб олиш. Топиб олинган мол-мулкни яшириш. Ғайриқонуний ов маҳсулотларини қабул қилиш. Тарих ёки маданият ёдгорликларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш қоидаларини бузиш.” ҳақидаги асосий тушунчаларни бериш ва талабаларда мазкур ҳуқуқ институтлари ҳақида тегишли билимларни шакллантиришдан иборат. Маъруза жараёнида мавзуга доир муаммоли масалалар юзасидан савол-жавоблар ўтказилади, амалиёт таҳлил қилинади, муаммоли масалалар бўйича тарқатма материаллардан фойдаланилади.

Маъруза натижасида талаба:

- маъруза юзасидан тегишли тушунча, билим, кўникма ва тажрибага эга бўлиш имкониятига эга бўлади;
- маъруза бўйича тегишли мисоллар ва масалалар устида ишлаш, ўз муносабатини билдириш, тегишли моддий ва процессуал қонун нормаларини қўллай олиш кўникмасига эга бўлади;
- ўз жавобини асослаш, танқидий фикрлаш, оппонентни эшитиш кўникма ва қобилиятини шакллантиришга эришилади;
- тарқатма материалларни ўрганиш, ўз муносабатини билдириш, қонунларни амалётга қўллай олиш тайёрлаш кўникмасига эга бўлади;

2. МАВЗУ БЎЙИЧА ДАРС ОЛИБ БОРИШ МЕТОДИКАСИ:

- ✓ Маърузани ўтиш жараёнида технологик харитада кўрсатилган ахборот-коммуникатив ва замонавий педагогик технологиялардан фойдаланилиши назарда тутилади;
- ✓ Маъруза мавзусининг долзарблиги, ўрганилганлик даражаси, бу соҳада амалга оширилаётган ислохотлар мазмунини ҳақида тушунча берилади;
- ✓ Мавзуга оид миллий ва халқаро норматив ҳужжатлар билан таништирилади ва таҳлил қилинади;
- ✓ Режа асосида слайдлар ёрдамида аҳоли соғлиғини сақлаш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик тушунтирилади;
- ✓ Мунозарали (назарий) саволлар ўртага ташланади ва уларга баҳо берилади;
- ✓ Муаммоли масалалар тарқатилади ва уларнинг ечими эшитилади;
- ✓ Зарурийат туғилганда, масала ва саволлар уйга топшириқ сифатида берилади;
- ✓ Асосий тушунчалар, савол-жавоблар умумлаштирилиб, маърузага якун ясалади.

3. ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАР:

- **Гиёҳвандлик (наркотик) воситалари** - гиёҳвандлик воситалари рўйхатига киритилган ва Ўзбекистон Республикасида назоратга олинadиган, келиб чиқиши синтетик ёки табиий моддалар, таркибида гиёҳвандлик моддаси бўлган препаратлар ва ўсимликлардир.
- **Психотроп моддалар** – психотроп моддалар рўйхатига киритилган ва Ўзбекистон Республикасида назоратга олинadиган, келиб чиқиши синтетик ёки табиий моддалар ҳисобланади.
- **Прекурсорлар** – прекурсорлар рўйхатига киритилган ва Ўзбекистон Республикасида назоратга олинadиган, гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тайёрлаш учун фойдаланиладиган моддалардир.
- **ОИТС** - орттирилган иммунитет танқислиги синдроми, ОИВ касаллигининг терминал (сўнгги) босқичи ҳисобланади.

4. МАЪРУЗАНИНГ АСОСИЙ МАСАЛАЛАРИ:

Аҳоли соғлиғини сақлаш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик. Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг “Аҳоли соғлиғини сақлаш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик” бобида енгил тан жароҳати етказиш (52-м.), санитария қонун ҳужжатларини бузиш (53-м.), эпидемияларга қарши кураш қоидаларини бузиш (54-м.), радиатсион хавфсизликка доир қоидалар, нормалар, йўриқномалар ва бошқа талабларни бузиш (55-м.), гиёҳвандлик воситаларини ёки психотроп моддаларни оз миқдорда ғайриқонуний тарзда тайёрлаш, олиш, сақлаш, ташиш ёки жўнатиш (56-м.), таносил касаллиги ёки ОИВ касаллиги/ОИТС юқадиган манбани яшириш (57-м.), таносил касаллигига ёки ОИВ касаллиги/ОИТСга учраган шахсларнинг текширишдан бўйин товлаши (58-м.), ОИВ касаллиги/ОИТС юққан-юқмаганлигини аниқлаш учун тиббий кўрикдан ўтказишда, шунингдек тиббий ва косметик муолажаларни ўтказишда хавфсизликни етарли даражада таъминламаганлик (59-м.) учун маъмурий жавобгарлик назарда тутилган.

Санитария қонун ҳужжатларини бузиш. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 3 июлда қабул қилинган “Давлат санитария назорати тўғрисида”ги Қонун га биноан давлат идоралари, мулкчиликнинг шаклларида қатъи назар корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, бирлашмалар ва алоҳида шахслар: белгиланган тартибда тасдиқланган санитария нормалари, қоидалари ва гигиена нормативларига риоя этишлари; давлат санитария назоратини амалга ошираётган идоралар, муассасалар, мансабдор шахсларга рўй берган авариялар, санитария- эпидемия, радиатсия вазияти тўғрисида ҳаққоний ва тўла-тўқис ахборот беришлари шарт.

Санитария қонун ҳужжатларини бузиш:

- санитария қонун ҳужжатларини;
- санитария нормаларини;
- санитария қоидаларини;
- гигиена нормативларини бузишда ифодаланади.

Ҳуқуқбузарликнинг:

объекти – аҳолининг соғлиғи (бевосита объект - санитария қонун ҳужжатлари талаблари);

объектив томони – ҳаракат ёки ҳаракатсизлик;

субъекти – мансабдор шахслар ва фуқаролар (юқорида қонун бузилиши ҳолатлари кўрсатиб ўтилган);

субъектив томони – қасд ва эҳтиётсизликда намоён бўлиши мумкин.

Ушбу ҳуқуқбузарлик ишларини кўриб чиқиш Давлат санитария назорати органлари ваколатига киритилган.

Давлат санитария назорати органлари номидан маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ва жарима солиш тариқасида маъмурий жазо чораси қўллашга қуйидагилар ҳақлидирлар:

- Ўзбекистон Республикаси Бош давлат санитария врачлари ва унинг ўринбосарлари;
- Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бош давлат санитария врачлари ҳамда уларнинг ўринбосарлари, туманларга бўлинган шаҳарларнинг бош давлат санитария врачлари ва сув транспортидаги ҳавзалар бош давлат санитария врачлари;
- туманларнинг, туманларга бўлинмаган шаҳарларнинг бош давлат санитария врачлари ҳамда сув транспортидаги портлар ва сув йўллари участкалари бош давлат санитария врачлари.

Гиёҳвандлик воситаларини ёки психотроп моддаларни оз миқдорда ғайриқонуний тарзда тайёрлаш, олиш, сақлаш, ташиш ёки жўнатиш. Гиёҳвандлик воситаларини ёки психотроп моддаларни оз миқдорда ғайриқонуний тарзда тайёрлаш, олиш, сақлаш, ташиш ёки жўнатиш ҳуқуқбузарлиги ўтказиш мақсадини кўзламай оз миқдорда ғайриқонуний тарзда:

- тайёрлаш;
- олиш;
- сақлаш;
- ташиш;
- жўнатишда намоён бўлади.

Ҳуқуқбузарликнинг:

объекти – аҳолининг соғлиғи (бевосита объект – гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талаблари);

объектив томони – ҳаракат;

субъекти – 16 ёшга тўлган ақли расо шахс;

субъектив томони – қасддан содир этилади.

Агар юқорида кўрсатиб ўтилган ҳуқуқбузарлик сотиш мақсадида содир этилган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 273-моддасида назарда тутилган жавобгарликни юзага келтиради.

Таносил касаллигига ёки ОИВ касаллиги/ОИТСга учраган шахсларнинг текширишдан бўйин товлаши. Ушбу ҳуқуқбузарлик:

объекти – аҳолининг соғлиғи;

объектив томони – аксарият ҳолларда ҳаракатсизлик, лекин фаол ҳаракатларда ҳам ифодаланиши мумкин;

субъекти – 16 ёшга тўлган ақли расо шахс;

субъектив томони – қасддан содир этилади.

Ушбу ҳуқуқбузарлик ишларини кўриб чиқиш маъмурий ишлар бўйича судья ваколатига киритилган.

5. СЕМИНАР САВОЛЛАРИ:

- Енгил тан жароҳати етказиш.
- Санитария қонун ҳужжатларини бузиш. Эпидемияларга қарши кураш қоидаларини бузиш.
- Радиацион хавфсизликка доир қоидалар, нормалар, йўриқномалар ва бошқа талабларни бузиш.
- Гиёҳвандлик воситаларини ёки психотроп моддаларни оз миқдорда ғайриқонуний тарзда тайёрлаш, олиш, сақлаш, ташиш ёки жўнатиш.
- Таносил касаллиги ёки ОИВ касаллиги/ОИТС юқадиган манбани яшириш.
- Таносил касаллигига ёки ОИВ касаллиги/ОИТСга учраган шахсларнинг текширишдан бўйин товлаши.

- ОИВ касаллиги/ОИТС юққан-юқмаганлигини аниқлаш учун тиббий кўрикдан ўтказишда, шунингдек тиббий ва косметик муолажаларни ўтказишда хавфсизликни етарли даражада таъминламаганлик.

6. МУСТАҚИЛ ТАЙЁРЛАНИШ УЧУН САВОЛЛАР:

1. Санитария қонун ҳужжатларини бузиш дэганда нимани тушунасиз ва у қандай хатти-ҳаракатларда намоён бўлади?
2. Гиёҳвандлик воситаларини ёки психотроп моддаларни оз миқдорда ғайриқонуний тарзда тайёрлаш, олиш, сақлаш, ташиш ёки жўнатиш ҳуқуқбузарлигининг юридик таркибини кўрсатиб беринг?
3. Таносил касаллигига ёки ОИВ касаллиги/ОИТСга учраган шахсларнинг текширишдан бўйин товлаши дэганда нимани тушунасиз ва унинг юридик таркибини кўрсатиб беринг?

7. МУСТАҚИЛ ЎҚИШ УЧУН АДАБИЁТЛАР:

- 1) Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. 08.12.1992 й. қабул қилинган.
- 2) Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси. Ўзбекистон Респуб-ликаси 22.09.1994 й. 2015-ХИИ-сон Қонуни билан тасдиқланган.
- 3) Курилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун юридик шахсларнинг жавобгарлиги тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 15 декабр Қонуни // ЎзР ОМА, 2001, №1-2, 21-м.
- 4) “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг 29.09.2010 й. ЎРҚ-263-сон Қонуни билан қабул қилинган // ЎзР ОМПА, 2010 й.
- 5) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини такомиллаштириш ҳақида”ги 2000 йил 21 сентябр Қарори // ЎзР ҚХТ, 2000, № 6, 99-модда.
- 6) Хамедов И. Административное право. Учебник.- Т.:УМЭД, 2004. – 234 с
- 7) Эркин Хожиев, Тўлқин Хожиев. Маъмурий ҳуқуқ: Бакалавриатнинг 5380100 - Юриспруденсия йўналиши талабалари учун дарслик / Масъул муҳаррир: ю.ф.д., проф. М.Х.Рустамбаев.– Т.: 2006.– 800 б.
- 8) Маъмурий ҳуқуқ: Дарслик / Х.Т. Одилқориев, И.Исмаилов, Н.Т. Исмаилов ва бошқ.; проф. Х.Т. Одилқориев ва Б.Е.Қосимовнинг умумий таҳрири остида. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2010. – 640 б.
- 9) Эркин Хожиев, Тўлқин Хожиев. Маъмурий ҳуқуқ. Дарслик. – Т.: “Фан ва технология”, 2008. – 608 б.